



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.**

2022 - yil 3 - oktabr

604-6-0-Q/22

Namangan viloyati hokimligi

### **Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 5-сон оилавий поликлиниканинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлогини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармони ижроси бўйича вилоятда 2021-2023 йилларда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни босқичма-босқич ташкил этиш, Наманган шаҳрида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами хизматини янада яқинлаштириш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 09-07/1341-сон хати ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2022 йил 2 июндаги 01-06/2724-сон таклиф хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг “Наманган шаҳар 5-сон оилавий поликлиникасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 2 июндаги 01-06/2724-сон таклифи маъқуллансин.

2. Наманган шаҳар, “Дамбоғ” МФЙ, Дамбоғ кўчаси 57-уйда жойлашган шаҳар 1-сон оилавий поликлиникасининг собиқ “Дамбоғ” филиали бино ва иншоотлари ўрнида юридик мақомга эга бўлган Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли, 150 қатновга мўлжалланган янги 5-сон оилавий поликлиника ташкил этилсин ва фаолиятига рухсат берилсин.

3. Наманган шаҳар ҳокимининг 2020 йил 21 декабрдаги 820-сон қарорининг 1-илоvasи 2-бандига мувофиқ, 5-сон оила поликлиникаси Давлатобод туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникага ўзгартирилганлиги инобатга олинсин.

4. Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 5-сон оилавий поликлиникасининг почта манзили Наманган шаҳар, “Дамбоғ” МФЙ, Дамбоғ кўчаси 57-уй этиб белгилансин ва унга ҳудуддаги (“Дамбоғ” МФЙнинг 4 322 нафар, “Тараққиёт” МФЙнинг 5 245 нафар, “Янги аср” МФЙнинг 3 539 нафар, “Маърифат” МФЙнинг 718 нафар, Обод МФЙнинг 7 514 нафар, Фаровон МФЙнинг 4 792 нафар ва “Алпомиш” МФЙнинг 4 110 нафар аҳолиси) жами 30 240 нафар аҳолиси бириктирилсин.

5. Соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Иминов):

янги ташкил этилган Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 5-сон оилавий поликлиникасининг низомини ишлаб чиқиб, бир ҳафта муддатда Давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказсин;

иш жараёнларини тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилишини қатъий назоратга олсин;

Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) билан биргаликда поликлиниканинг Низомига асосан штатлар жадвалини кўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказсин;

Наманган шаҳар 1-сон оилавий поликлиникасининг собиқ “Ҳамза” ва “Дамбоғ” филиаллари ишчи-ходимларини 5-сон оилавий поликлиникасига тўлиқ ишга қабул қилиш орқали бандлигини таъминласин.

6. Наманган шаҳар ҳокимлиги (Ғ.Джамалов):

янги ташкил этилган Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 5-сон оилавий поликлиникани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

7. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахмонов):

янги поликлиника ташкил этилиши муносабати билан унинг гербли муҳри ва тамғасини тайёрлашга белгиланган тартибда рухсат берилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг

2022 йил 22 июлдаги 469-6-0-Q/22-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Ушбу қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарордан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда тегишли ваколатли органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ.Муродхужаев зиммасига юклансин.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**